

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент давлат шаарқшунослик институти
Шарқ филологиси ва тарих факултети
Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси

Вахобов Хайрулло Фахриддинович

Қўқон хонлиги манбаларининг ўрганилиши

5220200 – Тарих йўналиши (Марказий Осиё халқлари тарихи)

Илмий раҳбар: т.ф.н. О.С. Суюнова

Тошкент 2010

Мундарижа

Кириш.....	3 – 9
I Боб. Қўқон хонлигининг шаклланиши, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёти.....	10
1.1. Қўқон хонлигининг сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий ҳаёти.....	10 – 28
1.2. Қўқон тарихнавислик мактабининг шаклланиши.....	29 – 44
II Боб. Қўқон хонлиги тарихи ҳақида ёзилган манбалар ва асарлар.	45
2.1 Қўқон хонлигидаги тарихчиларнинг асарлари.....	45 – 59
2.2 Қўқон хонлигидаги шоир ва олимларнинг асарлари	60 – 69
Хулоса.....	70 – 72
Фойдаланилган манба ва адабётлар рўйхати.....	73 – 76

Кириш

Мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистон узоқ тарихий босқичлардан сўнгмутакил давлат сифатида фаол, дадил одим ташлаш имкониятини қўлга киритди. Бу оламшумул тарихий воқеа, аслида бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий ўлканинг

I Боб. Қўқон хонлигининг шаклланиши, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёт.

1.1. Қўқон хонлигининг сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ҳаёти.

Сиёсий ҳаёт. Бухоро хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашиши оқибатида вилоятларда мустақилликка интилиш кучайди. Жумладан, 1709-йили Фарғонада ҳокимиятни минг уруғидан бўлмиш Шохрухбий (1709-1721) қўлга олиб, мустақил сиёсат юргиза бошлаган. Унинг вафотидан кейин ўрнига ўғли Абдурахимбий (1721-1734) ўтирди. Бу ҳукмдор қўшинни анча мустаҳкамлашга эришиб, 1725-йили Хўжандни, 1726-йили Ўратепани ва 1729-йили Самарқандни босиб олди. Аммо Самарқанд Бухоро хонлиги томонидан қайта эгалланди. Абдурахимбийнинг қароргоҳи Чилмахрам деган жойдан етти чақирим наридаги Дейкон Тўда деган қишлоқда эди. 1732-йили Абдурахимбий ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнига пойтахтнинг пойдеворини қўйди. У Самарқандни қайта эгаллаш билан бирга, Каттакўрғонни ҳам эгаллади. Шаҳрисабзни ўз таъсир доирасига киритишга эришди. Шу тарзда Фарғона водийсида мустақил ҳокимият мустаҳкамланиб бораверди.

Фарғона водийси Абдулкаримбий (1734-1751) даврида янада илғорлашди. Бу вақтда Қўқонда янги қароргоҳ, янги сарой, мадраса ва бошқа иншоотлар қурилди. Пойтахт девор билан ўралиб, унинг Исфара, Қатағон, Марғилон, Тошкент ва Ҳайдарбек номларида дарвозалари бор эди. Айрим маълумотларга қараганда, 1740-йилдан Қўқон пойтахт сифатида тўла шаклланади ва расмийлаштирилади. Мана шу вақтдан бошлаб, кейинчалик Қўқон хонлиги номини олган ва мустақил давлат анча куч-қувватга тўлади ва мавқеи ошиб боради.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Эрдонабий ва Норбўтабий ҳокимиятни бошқардилар. XVIII асрнинг учинчи чорагида Тошкентда мустақил давлат юзага келиб, у билан Қўқон ўртасида тўқнашувлар юз берди. Шу муносабат билан Тошкентнинг аҳволига тўхталиш зарурияти туғилади. XVIII асрнинг 80-йилларида бу шаҳарда ҳокимият учун курашларнинг фожеали оқибатлари яққол кўзга ташланади. Қонли урушлардан ва нотинчликдан ниҳоятда толиққан халқ кучли ҳокимиятга жуда муҳтож бўлиб қолган эди. Бу ҳол 1784-йили Шайхонтоҳур даҳаси даҳаси собиқ ҳокимининг ўғли Юнусхўжага ҳокимиятни эгаллаш ва тўрт даҳани бирлаштириш имконини берди. У биринчи навбатда шаҳар мудофасини мустаҳкамлашга киришиб, унинг деворини таъмирлади ва атрофидаги зовурларни тузаттирди: қўшиннинг куч қудратини оширди ва аскар сонини кўпайтирди. Юнусхўжа билимдонлик билан иш юритиб, Сайрам, Чимкент, Туркистон, Қурама ва уларнинг атрофидаги жойларни бўйсундирди. Натижада Катта Жуз қозоқлари ерларининг деярли ҳаммаси Тошкент қўл остига ўтди. Шу равишда мустақил Тошкент беклиги юзага келиб, борган сари мақеини мустаҳкамлаб борди. У биринчи навбатда кўтарилиб бораётган Қўқон хонлиги билан тўқнашди. Хусусан, 1794-йили Қўқон ҳукмдори Норбўтабий катта қўшин билан Тошкентга қарашли ерларга бостириб кирди. Бироқ мағлубиятга учради. 1799-йили Қўқон қўшини яна хужум қилганда ҳам ғалабага эришолмай чекинди. XIX асрнинг бошларида, Олимхон вақтида (1798-1810) хонликнинг ҳудуди анча кенгайиб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалди. Қўшиннинг ҳам жанговорлиги ошди. 1801-йили олдинги ғалабалардан руҳланган Юнусхўжа Қўқон хонлигини босиб олиш учун ҳарбий юриш уюштирди. Ҳар икки томон ўртасида жанг Қўқонга яқин жойдаги Пунгонда бўлиб, тошкентликлар тор-мор этилди, Юнусхўжа эса зўрға қочишга улгурди. Ўша йили соғлиғи ёмонлашган Юнусхўжа вафот этганидан кейин ўғли Махмудхўжа, кўп ўтмай Султонхўжа ҳокимият тепасида турдилар. 1807-йили Олимхон укаси Умархон бошчилигида 12 минг кишилик аскарини Тошкентга қарши юборди. Жангда қўқонликлар устун келиб, Тошкент атрофидаги жойларни эгаладилар. Тошкент хонликка қарамликни тан олди. Аммо бу вақтда Тошкентда мустақиллик учун ҳаракатлар қулоққа чалинди. Шу

боисдан 1808-йили Олимхон ҳарбий юриш уюштириб, Тошкентни тамомила бўйсундирди. Бу шаҳарнинг қўлга киритилиши Қўқон хонлигининг куч-қудратини ва салоҳиятини ошириш учун катта имкониятлар яратди. Чунки у минтақанинг йирик шаҳари эди.

Олимхон хон унвонини жорий этган биринчи ҳукмдор бўлди. Ундан бошлаб тахт эгаларига одатдагидек “бий” эмас, балки “хон” унвони бериладиган бўлди. Айрим маҳаллий манбаларга кўра, Олимхон ниҳоятда каттиққўл ва шафқатсиз киши ҳисобланган. “Бу Олимхоннинг лақаби, - дейилади манбада, - Золимхон эди. У ўз амакиси Ҳожибекни қатл қилиб, кўп зулмлар чиқарган эдики, буни ғазабиндан ва зулминдан Золимхон исми машҳур эди”.¹

Оқибатда Олимхон душманлар томонидан ўлдирилади, ўрнига тахтга Умархон (1810-1822) ўтиради. У Туркистон, Чимкент, Сайрам ва Авлиёота сингари жойларни эгаллаб, хонликни анча кенгайтиришга эришди. Унинг даврида Ўратепа ва бошқа жойлар учун Бухоро хонлиги билан кўп маротаба урушлар бўлди. Умуман, Умархон ҳукмдорлиги вақти Қўқон хонлигининг энг кучайган даври бўлди. Бундай ҳол унинг ўғли Мадалихон (1823-1842) даврида ҳам кўзга ташланади. Чунончи, 1834-йили Қоратегин, Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз ва Матчо бўйсундирилди. XIX асрнинг 20-30-йилларида ҳозирги Қирғизистоннинг ерлари қўлга киритилиб, Пишпак, Тўқмоқ Куртка ва бошқа бир қанча ҳарбий истеҳкомлар қурилди. Булар вақт ўтиши билан савдо-хунармандчилик ўчоқларига айланиб борди. Қозоғистон ерларида эса 1817-йили Оқмасжид ва 20-йиллари Авлиёота қурилди. Умуман олганда, ғарбда Орол денгизи ва шарқда Или дарёси ҳавзасида яшовчи Кичик ва Катта Жуз қозоқлари Қўқон хонлигининг табааси эдилар. Айтиб ўтиш лозимки, Қозоқлар ва қирғизларни бошқариш Тошкент бекларбеги зиммасига юкланган эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий манбада Тошкент ҳокимлигининг чегараси Ёўлжагача бориб етганлини уқтириб ўтилади. Мадалихон даврида Хитой қўл остидаги Шарқий Туркистон билан иқтисодий ва сиёсий алоқалар кучайди. Қашғарда бир вақтлар ҳукмронлик қилган Офокхўжа авлодлари мамлакатни

¹Ибрат. Фарғона тарихи. “Мерос” туркими. Тошкент, 1991, 287-бет.

Хитой босиб олганидан сўнг мухожирлар сифатида Қўқон хонлигидан паноҳ топган эдилар. 1826-йили улардан бири Жаҳонгирхўжа Қашғарга бориб, кўзғалон кўтарди. У халққа суянган ҳолда Қашғарда Хитой ҳарбий истехкомларини қуршаб олди. Қўзғолончиларнинг бу муваффақияти Қўқон ҳукуматини ва савдо аҳлини руҳлантириб юборди. Қўқонда Жаҳонгирга ёрдам бериш ва Шарқий Туркистонни Хитой босқинчиларидан тозалаш кайфияти устун келиб, 1826- йили Мадалихон у ерга қўшин тортди. Бироқ бирон натижага эриша олмай орқага қайтишга мажбур бўлди. Қўзғалон эса Хитой аскарлари томонидар бостирилди. Мадалихон 1830- йили ҳам Қашғарни озод этиш ниятида у ерга бостириб кирган бўлса-да, лекин тағин мақсадга эришолмади.

Бу йилларда Хитойнинг ички ва ташқи аҳволи ниҳоятда оғирлашгани туфайли Қўқон хонлигига биров ён беришга мажбур бўлди. Чунончи, Қашқар бозорларидан олинадиган солиқ лар ва божлар Қўқон хонлигига тўланадиган бўлди. Уларни йиғиш учун хонликнинг махсус оқсоқоли тайинланди. Яна Хитой маъмурияти Қўқонга ҳар хил совғалар юбориб туришни ҳам ўз зиммасига олган. Қўқон хонлиги совғалар эвазига ўз еридаги Қашқар тахтига даъвогар Офокхўжа авлодларини назоратда ушлаб турган. 1840-1841-йиллари Бухоро хони Насрулло Ўратепа ва Хўжандни эгаллаб, Қўқонга қаттиқ зарба берди. Бу ҳам камдек, 1842-йили Насруллохон Қўқонга ҳужум қилиб, Мадалихонни, Нодирани ва бошқа кўп одамларни ўлдирди, шаҳар талон-тарож қилинди.

Аммо кўп ўтмай, Қўқонда Бухороликлар ҳукмронлиги ағдарилиб, Шералихон (1842-1844) ҳокимиятни бошқарди. Бу вақтда қўлданчиқиб кетган Тошкент, Қурама, Хўжанд ва ҳозирги Жанубий Қозоғистон ерлари хонлик таркибига қайта киритилди. 1844-1875-йиллар мобайнида хонликда тахт учун чидаб бўлмайдиган даражада курашлар авжига минди. Хонликда Худоёрхон уч маротаба (1852-1858, 1862-1863, 1865-1875) тахтга ўтирди. Шу орада Маллахон (1858-1862) ва Султон Саъидхон (1863-1865) ҳукмронлик қилдилар. Бу вақтга келиб ўзаро урушларнинг тинимсиз давом этиши ва тахтга нобоп шахсларнинг

Ўтириши оқибатида хонлик ҳар жихатдан чуқур инкирозга учради. Оғир аҳволга ҳалқ ғалаёнлари кўтарилди.

Давлат бошқаруви ва қўшин. Қўқон хонлигидаги ҳокимиятни бошқарув тартиблари Бухоро ва Хива хонликларидан деярли фарқ қилмаган. Бу ерда ҳам хон чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, ўзининг хоҳиш-иродасига кўра иш юритган. Хонлик вилоятларга тақсимланган бўлиб, уларни бек ёки ҳоким лавозимидаги амалдорлар бошқарган. Вазир хондан кейинги иккинчи шахс ҳисобланиб, муҳим масалалар бўйича ҳукмдор билан келишган ҳолда иш олиб борган. Оли йва ўрта ва қуйи маъмурий бошқарувда қуйидаги мансаблар мавжуд эди: Қушбеги, оталиқ, девонбеги, мингбоши, шайхуслом, қозикалон, парвоначи, шиғовул, саркор, иноқ, дастурхончи, амин, ясовул, оқсоқол...Мингбоши ёки оталиқ ҳарбий унвон ҳисобланган. Сарой қошида махсус кенгаш тузилган бўлиб, унга энг олий мансаб вакиллари киритилган. Хон кенгашининг раиси ва фаолиятини белгиловчи шахс ҳисобланган. Қўшинда мингбоши, бешюзбоши, юзбоши ва ўнбоши лавозимлари бўлган. Унинг муайян қисми мунтазам хизматни ўтаб, кўпчилиг тинчлик пайтида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланганлар. Ҳарбий хизматни ўтовчиларга бир от ва эгар жабдуқ берилган. Юзбоши бир йилга – 147 сўм, ўнбошига – 65 сўм, оддий сарбозга - 48 сўм ҳақ тўланган. Вилоятлардаги қўшинҳоким томонидан таъминланган, пойтахтдагиси ҳукумат зиммасида бўлган. Қўшин қилич, найза ва пилтали милтиқ ва тўплар билан қуролланган бўлиб, ҳарбий маҳорат анча пастлашиб кетган. Ички ўзаро тўқнашувлар, айниқса, Бухоро хонлиги билан урушлар қўшиннинг тинкасини қуритганди.

Иқтисодий ва маданий ҳаёт. Бошқа хонликлардагига ўхшаш Фарғона водийсида ва қарам жойларда сунъий суғориш ҳал қилувчи ўринни эгаллаган. Шу боис сунъий суғоришга алоҳида эътибор берилган. Водийда Олой ва Туркистон тизмасидан оқиб тушадиган Норин дарёси сувидан кенг фойдаланилган. Оқбура, Аравон, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх ва Исфара сингари дарёлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, Қорадарё ва унинг ирмоқлари бўлмиш Қуршоб, Қорағулжа, Тар, Ясси, Кўгарт, Майлисой ва

Чотқол тоғларидан оқиб тушадиган тушадиган Подшоота, Косонсой, Ғовасой дарёлари деҳқончиликнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Норин ва Қорадарё қўшилишидан юзага келган Сирдарё энг катта сув манбаи эди. Фарғона водийсида сунъий суғоришга Шохрухбий ва Эрдонабий вақтида алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Эрдонабий Сўх дарёсидан ариқ чиқариб, янги ерларни ўзлаштирган. Сўх дарёсидан ариқлар Норбўтабий даврида ҳам казилган. Олимхон олтига канал чиқарган ва Олтиарик деган катта қишлоқнинг вужудга келишига сабабчи бўлган. Мухаммадалихон ҳам Сўхдан ариқ казитган. Худоёрхон томонидан Улуғнор каналининг қурилиши Асака атрофидаги бепаён ерларни ўзлаштириш имконини берди. Сунъий суғоришнинг ривожлантирилиши деҳқончиликнинг ва, умуман, водийда ишлаб чиқариш кучларининг кучларининг ўсишига олиб келди. Фарғона водийсида ерларнинг кўпи давлатнинг ихтиёрида бўлган, унинг муайян қисмигагина хусусий кишилар эгалик қилган. Булардан ташқари, вақф ерлари мавжуд эди. Хонлар ерларнинг бир қисмини солиқлардан озод этган ҳолда, хизмат кўрсатган кишиларга хусусий мулк тарзида берган. Деҳқончиликда пахта, ипак, тамаки етиштирилиши билан бирга сабзавотчилик ва боғдорчилик ривожлантирилган. Кишини ҳайратлантирадиган ва завқлантирадиган боғлар кўп бўлган. Пахта ва ипак хонлик ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Деҳқончиликнинг ўсишига монанд равишда ҳунармандчилик ҳам кенг қулоч ёйди. Айниқса, тўқимачик, кўнчилик, кулолчилик, тикувчилик, бўёқчилик, мисгарлик, темирчилик, дурадгорлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари ривожланди. Улар фақат ички эҳтиёж учун эмас, балки ташқи бозор учун ҳам турли-туман нафис маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар. Хонликда савдо-содиқ қизғин тус олган. Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон ва Ўш йирик савдо-ҳунармандчилик марказларига айланиб, Самарқанд, Тоешкент, Бухоро, Хива, Ҳўжанд, Қозоғистон ва Қирғизистон ерлари билан яқиндан алоқаларини олиб борганлар. Ўз навбатида, Қўқон хонлиги савдогарларини Туркистон ўлкасининг кўп жойларида учратиш мумкин эди. Улар айна бир пайтда Россия, Арабистон, Хитой, Хиндистон, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатлар савдо қилганлар. Қўқонликлар айниқса Қашқар билан қизғин савдо олиб борганлар.

Уларнинг Қашқардаги фаолияти шу даражада салмоқли бўлганки, Мапказий Осиёдан у ерга борган савдогарлар кўпинча “андижонликлар” деб юритилган. У вақтларда хонлик савдогарлари асосан тайёр маҳсулотлар билан савдо қилишлари водий ҳаётида ижобий таъсир кўрсатган. Деҳқончилик, хунармандчилик ва савдонинг ўсиши маънавий ҳаётнинг ҳам ўсишига катта таъсир кўрсатган.

1.2. Қўқон тарихнавислик мақабининг шаклланиши.

Чунончи, бутун XIX аср давомида қимматли тарихий асарлар яратилди. 1822-йили Мирзо Қаландар Исфарагий томонидан “Шохнома” асари нихоясига етказилди. Бу манбада хонликнинг тарихига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган. Муҳаммад Ҳакимхонтўра Хўқандийнинг “Мунтахаб ут-таворих” асари ўзининг сермазмунлиги ва маълумотларга болиги билан ажралиб туради. Ҳакимхон кўпни кўрган муаллиф ҳисобланиб, Туркия, Россия, Макка ва Мадинага саёхат қилган. Бу асар хонликнинг сиёсий, ижтимоӣ иқтисодий ҳаётини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихий Шохруҳи” асари ҳам қимматлидир. Аваз Муҳаммаднинг “Тарихи жаҳонномойи” ва Мулло Мирзо Олимнинг “Ансоб ас-салотин ва иаворих ал-хавоқин” каби асарлари ёзилган. Хонликда адабиёт соҳасида ҳам ютуқларга эришилиб, кўплаб машҳур шоирларнинг ижод қилганликлари маълумдир. Умуман, хонликда маданият анча ривожланди. Бунда меъморчиликнинг салмоғи анча бўлди. Ажойиб масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, жамоа бинолари қад кўтарди. Масалан, Норбўтабий мадрасаси (1799), Жомеъ масжиди (1815), Қўқон Ўрдаси (хон саройи, 1870) меъморчиликнинг ёрқин намуналари сифатида ҳамон саловат тўкиб турибди. Хонликда мактаб ва мадрасаларда савод чиқариш билан бираг диний ва қисман дунёвий фанлар бўйича машғулотлар ўтказилган. Уларди таълим ва тарбия олган кишилар орасида машҳур шоирлар, олимлар етишиб чиққан. Бироқ, ўзаро қонли урушлар ва келишмовчиликлар ҳамда хонларнинг аксарияти маданиятга етарли даражада эътибор бермаганлиги орақасида истеъдодлар макони – водийда фан ва маданият узвий ривожланиш имконига эга бўлмади.

Фарғона водийсида Қўқон хонлигининг ташкил топиши кўпгина кўчманчи қабилаларнинг ўтроқлашиб, илғорлашишига ижобий таъсир кўрсатди; дашту-биёбонларда хонлик томонидан истеҳкомлар қурилиши ва улар заминида шаҳарларнинг шаклланиши ижобий воқеа бўлди. Хонлик даврида ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман, тожик ва қорақалпоқларнинг ўзаро алоқалари давом этаверди. Улар ҳар жиҳатдан. Улар ҳар жиҳатдан бир-

бирларининг маданиятини ва умуман ҳаётини бойитдилар. Лекин қонли урушлар ўзаро алоқаларнинг изчиллик билан ўсишига тўсқинлик қилди.

Умумий хулосалар шундан иборатки, гарчанд Хива , Бухоро ва Қўқон хонликларида ҳаёт ўз йўлида давом этиб, муайян даражада олға силжишлар ва ютуқлар кўзга ташланган бўлса-да, бироқ улар мавжуд табиий бойликларга ва кенг имкониятларга таққосланганда, “денгиздан бир томчи сув”га ўхшаб кетади. Бунга тинимсиз давом этган тахт учун курашлар ва хонликларнинг ўзаро урушлари орқасида юзага келганоғир шароит сабаб бўлган эди. Унчалик катта бўлмаган минтақада бир-бирига душман учта мустақил хонликнинг мавжудлиги пировардида фожеали оқибатларни туғдирди. Хонликларнинг кўпчилиги сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ўта заифлиги, кўпроқ шахсий манфаатларини ўйлаб иш юритишлари ҳамда қўшиннинг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланмаслиги мамлакат муҳофафасига чидаб бўлмайдиган даражада салбий таъсир кўрсатди.

Туркистонда парокандалик ва оғир шароит ҳукм сураётган даврларда Россия империяси Европанинг қкдратли давлатларидан бири сифатида майдонга чиқди. Унинг қўшини ҳар жиҳатдан яхғи таъминланган ва қуролланган бўлиб, жанговорликлик фаолияти анча баланд эди. Шундай шароитда икки томоннинг тенгсиз кучлари тўқнашди ва урушлар борган сари авжига миниб бораверди.

Рус қўшинларининг босқинчиликлари ва хонликнинг тугатилиши.

Қўқон хонлигидаги ҳалқ ҳаракатлари ва Худоевхоннинг қочиши орқасида юзага келган. Оғир вазият рус ҳукуматида қўл келди. Бу вақтда Ёттисувда турган Кауфман дарҳол Тошкентга қайтиб, хонликни босиб олиш чораларини кўрди. Бу орада, яъни 1875-йил 6-августда ватан ҳимоячилари Тошкент тарафга юриш қилиб, Оҳангарон дарёсидаги Облиқ қишлоғини эгалладилар. Улар 8-августда Тошкент билан Хўжанд ва Ўратепа оралиғидаги почта бекатларини эгаллаб, 16 русни асирликка олдилар. Савдогар Исаевнинг ойна заводида ўт қўйилди. Бундан хабар топган Кауфман Сирдарё вилоятининг губернатори Головачевга ҳарбий юриш бошлашни буюрди. Головачев ҳарбий қисм билан Тошкентдан 60 чақирим узоқликдаги Тилов қалъасига борди. Бу

вакtda 5000 кишилик ватан ҳимоячилари Облиқ қишлоғида Тиловга ҳужум қилишга тайёрланмоқда эдилар. Ҳар икки томон ўртасида қисқа отишмалардан сўнг ватан ҳимоячилари томонга чекинганлар.

Тошкентда Кауфман Биринчи Туркистон ўқчи батальони, Оренбург кўшинининг тўртта отлиқ тўпчиларини, 100 казак аскар ва бошқа ҳарбий қисмларни Қўқонга жўнатган. Бу вақтда ватан ҳимоячиларининг айрим гуруҳлари Хўжанд атрофларида почта бекатларини ёндирганликлари ҳамда қўқонликлар Нов қишлоғини эгаллаганликлари ҳақидаги маълумотлар Тошкентга келиб турган. 5000 кишилик қирғизлар Сирдарё орқали ўтиб, Қурама уездига қарашли Самгар қишлоғини эгаллаганликлари тўғрисида ҳам хабарлар олинган. Шу боис Головачев Гарновский бошчилигидаги ҳарбий қисмларга Хўжанд томонга юришни буюрган. Қўқонликлар Тошкент атрофидаги Паркентга ҳужум қилармиш, деган овозаларга жавобан у жойга 1875-йили 21-август кечаси полковник Скобелев раҳбарлигидаги аскарлар юборилган.

Ҳақиқатдан ҳам Қўқон хонлигидаги ватан ҳимоячилари руслар босиб олган Тошкент ва Хўжанд чегараларига бостириб кириб, душманга зарба беришга уринганлар. Головачев аскарлари Оҳангарон минтақасидаги Облиқ-Тилов атрофларида қўқонли ҳимоячилар устидан ғалабага эришганлар.

1875-йили 13-августда Кауфман йўлга чиқиб, Пискентга келганида подполковник Нолдедан 9-август куни Хўжандга ҳужум қилган ватан ҳимоячилари тор-мор этилганлиги ҳақидаги ҳақида хабарни олган. Шу воқеа маълум бўлдики, Абдурахмон офтобачи Маҳрамда кўп куч тўплаб, ўша куни Хўжандга уч томондан ҳужум уюштирган экан. Хусусан, Қўқон йўлидан 10-15 минг кишилик ва Самгар томонидан 6-10 минг кишидан иборат ватан ҳимоячилари ҳужум қилганлар. Қўқонликлар Хўжанднинг Нов дарвозаси томондан бостириб кирганлар. Аммо барчаси душман томонидан орқага суриб ташланган. Шунга қарамай, Хўжанд хавфидан холи бўлмаганлиги учун уезд бошлиғи подполковник Нолде шаҳар мудофааси мустаҳкамлаш чораларини кўрди. Бу орада ватан ҳимоячилари шаҳарга яқинлашиб келдилар. 12-августда уларга қарши полковник Саримович 4 рота, 100 казак, артиллерия дивизиони

билан юриш қилиб, чекинишга мажбур этган. Шундан у Қистакўз деган жойда жойлашган. Сўнгра у Абдурахмон офтобачининг 16 минг кишилиқ хужум қилиб, уларни Қўқон йўли бўйлаб қувлади. Кўп ўтмай Тошкентдан Хўжандга қўшимча ҳарбий қисмлар етиб келди. Бир пайтда Кауфман ва Головачев бошчилигидаги қўшинлар Хўжандга бораётганда Мирзаобод станциясида Қўқон отлиқлари кўринган. Улар душман аскарлари кўриниши биланок Самгар қишлоғига қочганлар. Уларнинг кетидан юборилган Скобелев солдатлари Самгарга борганда 4 минг кишилиқ ҳимоячилар у ердан Маҳрам қалъасига қайтганликлари маълум бўлди.

18-август куни Кауфман қўшин билан Хўжандга борган. Бундан олдинроқ полковник Ефимович бошчилигидаги 200 казак артиллерия дивизиони билан Самарқанддан келган.

Умуман, Кауфман Қўқон хонлигига курашиш мақсадида

Олтин бешик воқеаси

Қўқон хонлигининг ҳукмдорлари ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш жоизки, деярли барча мусулмон тарихчилари ва айрим рус тарихчилари хонлар сулоласини Олтин Бешик билан, у орқали Бобур билан боғлаб, Одам пайғамбаргаргача етказадилар². Олтин Бешик ҳақидаги ривоят шундан иборатки, 1512-йилда Мирзо Бобур Самарқанддан Фарғона орқали Хиндистонга қочиб кетади. Қочиш пайтида Бобурнинг хотинларидан бири ўғил туғади. Қочоқларни ўраб олган қўрқинч уларни янги туғилган болани қаровсиз ташлаб кетишга мажбур қилади. Уни қимматбаҳо зийнат буюмлари қўйилган бешикка ётқизиб, содиқ хизматкорларидан бирига қолдирадилар. У Бобурга янги туғилган боланинг тақдири ҳақида хабар бериши керак эди. Иттифоқо, Фарғона ўзбеклари муҳим ва маслаҳатли ишни ҳал қилмоқчи бўлиб, ўша тарафга ўтсалар дарахт тагида бир бешик ичида гўдак овози келди. Бориб кўришса, бешик олтиндан ясалган ва гўдакнинг бошида ҳам бир ҳамён зар қўйилган, қимматбаҳо матолар билан йўрғаланган ва гавҳар ва жавоҳирлар тақилган ажойиб гўдак бўлиб, юзидан нур ёғилар эди. Минг жамоаси ва жонкентлик қирғиз жамоаси ва қипчоқлар тилло ва ажносларни ўзаро

² Наливкин В.Н. Павлов Н, Исҳоқхон Тўра ва бошқалар.

таксимлаб олишди ва бу гўдак подшоҳзода деб тахмин қилдилар. Бу жамоалар маслаҳатлашиб, бир покиза аёл топиб, гўдакни унга топширдилар. Бола минг уруғи овулига жойлаштирилди. Гўдакни яхшилаб парвариш қилишди. Халойиқ орасида машҳур бўлди. Бир жамоа “олтин бешик” деб от қўйса, бошқа гуруҳ “Амирали” деса, бошқалар эса “Ҳумоюн” ёки “Оллоҳберди” деб атадилар. Кўп вақт давомида гўдакни тарбияси билан машҳур бўлдилар.

Мирзо Бобур гўдакни бешикка ташлаб, Ҳиндистонга кетган эди. Худонинг фазли – карами билан Ҳиндистонга подшоҳ бўлди. У Ҳиндистонда одиллик ва тўғрилиқ билан подшоҳлик қилаётган даврда ўша гўдак фарзанди, олтин бешикда Фарғонага ташлаб келган фарзанди ёдига тушиб, бир доно одамни кўп ёдномалар билан Фарғона юртига юборди. Фарғона вилоятига келиб, у гўдакни сўраб топди. Элчи хат ва ёдномаларни топширди уни бир неча кун меҳмон қилишди. Шундан сўнг халойиқ йиғилиб, маслаҳат билан Бобурга хат ёзди. Хатнинг мазмуни шундай эди.

“Бул подшоҳзодани бул умид бирла тарбия қилиб эрдукким, юртимизга хон қилурмиз деб, жанобларидан илтимос қилдик. Густоҳлик бирла бул шахзодани сақлаб, элчиларни қайтардик. Тил сўзимизни арз қила ижобатга макрун бўлғай, ассалому алайкум” – деб хатни элчига бериб инъом ва эҳсонлар бирла қайтардилар.

Элчи Ҳиндистонга қайтиб бўлган воқеаларни Бобур Мирзога етказди. Гўдакнинг саломатлигини англаб, хурсанд бўлиб, шукроналар айтиб, унинг сўзларини қабул қилди.

Шундан сўнг халойиқ йиғилиб, уламо, фузало ва машойихлар бирлашиб Фарғонага хон қилиб кўтардилар. Аммо у Ҳумоюн хон бўлишига қарамасдан Олтин Бешик исмида машҳур эди, овозаси худудларга етиб, обрў–эътибори ошиб, камоли баланд бўлиб, халқ уни ғанимат билиб, улуғлигини қабул қилдилар.

Вояга етганда халқ унга ҳар бир уруғдан (қирқ, қипчоқ, қирғиз, ва минг) биттадан қизга уйланишга имкон беради. Ўша замонда Абдулазизхон Бухорода подшоҳ эди ва баъзи тарихда Убайдуллахон подшоҳ эди. Ораларида алоқалари яхши эди. Олтин Бешикхон минг жамоасини улуғини Қутлукхоним деган

кизини никоҳига олади. Ундан бир ўғил вужудга келса-да, унинг уч исми машҳур эди: Тангрёрхон, Худоёр Султон ва Султон Иликхон.

Ривоятга кўра, Олтин Бешиқхон 1545-йилда вафот этади, унинг ўғли Тангриёр (Султон Иликхон) Фарғонанинг ҳукмдори бўлади, лекин уни хон эмас, балки бий деб аташади. Бу ном унинг авлодларидан то Олимхонгача берилган. Олти ёшда эди, ҳазрат Махдум Аъзам валининг унга назари тушиб, қабул топган эди. Бу ҳазрат унинг ҳақиға дуо қилиб, “сенинг наслинг албатта асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб, подшоҳ бўлади” – дейди.

Кўп одил, саховатли подшоҳ бўлди ва ундан икки ўғил қолди: Муҳаммадаминхон ва Ёрмуҳаммадхон. Отасининг юзланиши Ёрмуҳаммадхонга кўпроқ эди ва Муҳаммадаминхонга камроқ эди. Шу боис Муҳаммадаминхон ўзини камситилган билиб, бир неча навкарлари билан Бухорога қочиб кетди. 1564-65-йиллар Бухорода бўлиб, Имомқулихон кўришиб, ўрин топди. Бухорода олти йил турди. 1571-йилда Имомқулихон оламдан ўтди. Ўғли Искандар Жонибек подшоҳ бўлган бўлса-да, Муҳаммадаминхонни кўп навкарлари билан Хоразмга подшоҳ қилиб юборди. Муҳаммадаминхон Урганч тахтида барқарор бўлиб, одиллик билан ўн икки йил подшоҳлик қилади.

Тангриёр Султон вафот этгандан сўнг, ўрнига ўғли ҳукумат тепасига келди. Ота-бобоси йўлидан бормай, май ичиш ва бузуқлик билан умр ўтқизди. Сарой ва фуқаро ҳолидан ҳабар олмади. Кеча-кундуз безмга берилди. Аъён, ашроф, уламо ва фузалолар, сипоҳ ва фуқаро сабр ва тоқат қилолмай, арз қилиб, Ҳиндистонга Акбаршоҳнинг ҳизматиға жўнатишди. Ўрнига Муҳаммадаминхоннинг ўғли Абдулқосимхонни подшоҳлик тахтиға ўтқозишди.

Саккиз ёшда эди, халойиққа маъқул бўлиб, тожи-тахт соҳиби бўлди. Унга Султон кучак деган лақаб қўйдилар. Ўн йил подшоҳлик қилди, ўн саккиз ёшда оламдан ўтди. Ундан уч яшар бир ўғил қолди ва исмда машҳур бўлди: Аслзодаҳон, Убайдуллаҳон ва Тубҳиқхон. Бундан бошқа хон бўладиган муносиб номзод йўқ эди. Ночор улуғ-кичик шахзодани тахтга ўтқаздилар.

Ўттиз икки йил подшоҳлик қилиб, ўттиз беш ёшида оламдан ўтади. Ундан бир фарзанд ёдгор бўлиб қолади. Уни шоҳ Уматвали дейишади. Ёшлигидан хазрат Мавлоно Лутфулло Чустийдан тарбия олган ва у хазратнинг қўлини олиб, ўн ёшда камолотга етишиб, подшоҳлик қилади. Давлатни адолатли равишда бошқариб қирқ ёшида вафот этади. Ундан Шаҳрухбий деган ўғил ёдгор бўлиб қолади. Тахтни адолатли равишда бошқариб, йигирма уч йил подшоҳлик қилиб, эллик олти ёшда оламдан ўтди. Ўғли Рустамхон салтанат тахтига ўтирди.

Рустамхон байтуллоҳни зиёрат қилиб келган эди. Ҳожихон исми билан машҳур бўлди. Шу боис Рустамхон Ҳожихонликда машҳур бўлиб, ҳукмронлик қилиб, оламдан ўтди. Ундан икки ўғил ворис бўлиб қолди: Ашурқули оталиқ ва Фозил оталиқ.

Ҳалойиқни фикри билан Ашурқули оталиқ отасининг тахтига ўтирди. Бир неча йил ҳукмронлик қилиб, оламдан ўтди.

“Биринчи хон Шоҳрухнинг тахтга ўтириши, - деб ёзади академик В. В. Бартольд, - қўрғон (қалъа ичидаги ҳарбий иншоат) нинг қурилиши билан боғлиқ бўлиб, бошқа қўрғон кейинчалик Эскки Ўрда деб номланган, унинг ўғли Абдулкарим томонидан қурилган (1746-йилда вафот этган)”.³

Шоҳруххоннинг тахтга ўтиришини Мулла Олим “Тарихи Туркистон” асарида қизиқарли тасвирлайди: Тарғовага Жанкат, Пилахан, Тўфонтепа, Партак, Тепа Қўрғон, Қайнар ва бошқа жойларнинг оқсоқол, аслзода одамлари тўпланиб, Ашурбекнинг ўғли ақлли, инсонпарвар Шоҳруххон Ашурбек ўғлини хон қилиб сайлашга қарор қиладилар. Шундан сўнг Шоҳрух ўрда ва қўрғон қуриш учун қулай жой танлашга фармон беради. Юборилган одамлар “Кўк тўнликлар” яшайдиган икки сой оралиғида жойлашган ҳудудни қулай жой деб ҳисоблайдилар. Улар у ерда арк қурадилар ва унинг атрофида сарой ва бинолар қура бошлайдилар. Шундан кейин Шоҳрухни тахтга ўтқаздилар. Хоннинг сайланиш йилини 1709-йил деб ҳисоблайдилар.

³ Бартольд В. В. Асарлар 3-жилд, М., 1965, 462-бет.

Мулла Олим Шохрух 12 йил ҳукмронлик қилиб, ҳукмронлигининг ўн учинчи йилида вафот этди⁴, - деб ҳисоблайди. Бундан унинг 1721-йилда вафот этганлиги келиб чиқади.

Бу давлат тасарруфида Қўқон, Исфара ва Марғилон атрофларини қўшиб олган. Шохрухдан уч ўғил қолади: Абдурахимбий, Абдукаримбий, ва Шодибий. Отасининг ўрнини ўғилларидан каттаси Абдурахимбий эгаллайди.

В. П. Наливкиннинг маълумотига кўра, 1732-йилгача унинг қароргоҳи Тикон Тўда қишлоғи бўлган. Худди шу йили у Қўқон шаҳрига биринчи бўлиб асос солади⁵, - деб ҳисоблайди. Аслида Қўқон шаҳрига анча илгарироқ асос солинган.

Бу вақтда Хўжандда юз уруғидан бўлган Муҳаммад Раим оталиқнинг ўғли Оқ Юўта ҳукмронлик қилади. У Абдураимни Ўлдиришга қарор қилади, лекин у буни билиб қолиб, ўша вақтда Эски Қўрғон (бошқача Қалаъи – Раимбий) номи билан аталувчи Қўқонга қочиб кетади. Бундан ўч олиш учун Абдурахимбий яқин кишилари билан Оқ Бўтанинг ўрдасига махфий равишда кириб, унинг бошини кесиб ташлайди, ўзини эса эрталаб тантанали суратда ҳукмдор деб эълон қилади, Хўжанд эса Қўқонга қўшилади. Хўжанд ҳукуматини укаси Абдукаримбекка топширади ва кичик укаси Шодибекка Марғилон ҳукуматини берди. Аскар тўплаб, Самарқанд устига юриш қилиб, уни босиб олди. Ундан кейин Каттақўрғонни босиб олиб, Шаҳрисабзга мутаважжих бўлди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин Абдурахимбий андижонликларни ҳам осонгина бўйсундиради.

Шундан кейин Абдурахимбий қаттиқ касал бўлиб, ақлдан озади, у 1733-йилда суиқасд уюштирилиши натижасида ўлдирилади⁶. Ундан ўғли ва бир нечта қиз қолган бўлса ҳам акаси Абдуракаримбий ҳукмдор қилиб тайинланади, у Қўқонга қўчиб боради ва уни қайтадан қуради. 1746 – йилда хитойликлар Қошғарни босиб оладилар қалмиқларнинг Жунғор давлатини тор-мор қиладилар, қалмиқ кўчманчиларининг бир қисми ғарбга юриб, Фарғона водийсига бостириб кирадилар. Абдукаримбий қалмиқларга қарши Қипчок

⁴ Мулла Олим. “Тарихи Туркистон”, 8-10-бетлар.

⁵ Наливкин В. П. Краткая история кокандского ханства. Казан. 1886-йил.

⁶ Мулла Олим. “Тарихи Туркистон”, 15-бет.

бачча бошчилигида қўшин юборади, лекин у ўлдирилади. Унинг ишонган қўшини эса қочиб кетади, натижада қалмиқлар Қўқонга яқинлашиб қоладилар. Ўратепа хони Фозилбий (Содиқбийнинг ўғли ва Абдукаримбийнинг аталган ўғли) буни билиб қолиб, қўшин билан ёрдамга келади. Қонли жанглардан сўнг қалмиқлар Қўқондан чекинадилар.

1750 – йилда Абдукримбий вафот этгач (баъзи бир маълумотларга кўра 1747/48 й.) , унинг ўғли Абдурахмон бир йилча (1751) ҳукмронлик қилади. У амалдан олинади ва Марғилонга ҳукмдор қилиб тайинланади, ҳокимият эса Эрдона қўлига ўтади, у ҳам амалдан олиниб, унинг ўрнига Бобобек тайинланади. У бир йилча ҳукмронлик қилади. Уни Бешарикқа алдаб олиб бориб ўлдиришади. Эрдона яна Қўқонга ҳукмдор қилиб тайинланади. Эрдона ўз ҳудудини кенгайтиришни давом эттиради. Натижада у Исфарани эгаллаб олишга қарор қилиб, Абдурахмон Ботирни хоинона равишда ўлдиради, унинг ўғли Норбўтабий эса шу кечаси бувисиникида бўлгани учун қутулиб қолади. Суиқсдни билиб қолиб, Шаҳрисабзга қочишга улгуради. Эрдонабий ўзининг ўтмишдошларига ўхшаб уруш қилишга киришади. У ўратепа ҳарбий юриш қилади, лекин муваффақиятсизликка учраб, Хўжанд тарафга чекинади. Чангли бўрон бошланишидан фойдаланиб, Мадамин ва Фозилбийлар қўшини билан чекинаётган Эрдонага хужум қиладилар, қўқонликларни асир қилиб олиб, уларнинг кўпчилигининг бошини кесиб ташлайдилар, шу ернинг ўзидаёқ улардан Калла Минор барпо этилади. Эрдонанинг ўзи эса Қўқонга қочишга улгуради. Эрдона Ўратепага навбатдаги юриш қилган пайтда ғалаба қилади. “Ўратепалик асирларнинг кўпини ўлдириб, Эрдона уларнинг каллаларидан янги Калла Минор барпо этишни буюради”. (“Жаҳоннома” муаллифи Мулла Азамат бу минорни 1276/1858-йилда кўрганлигин айтиди)⁷.

⁷ Наливкин В. П. Ўша асар, 66-бет.

II Боб. Қўқон хонлиги тарихи ҳақида ёзилган манбалар ва асарлар.

2.1 Қўқон хонлигидаги тарихчиларнинг асарлари.

1758 – йилда Эрдонабий Хитой ҳомийлигини тан олишга мажбур бўлади. 1762 – йилда Хитой элчилари Ўрта Ўрда хони Абдулмамат ва Султон Аблайга Цян-Лун истаги билан баҳорда Туркистон ва Самарқандга ҳарбий юриш қилмоқчи эканликларини эълон қиладилар. Бунинг учун улар зарур одамлар, отлар, ҳўкиз ва қўйлар ажратишни айтадилар. Эрдона Ўратепа ва Хўжанд ҳокими Фозилбий ҳамда қирғиз султонлари буни билиб қолиб, ўша вақтда кучли ҳокимлардан бири бўлган Афғонистон ҳокими Аҳмат шоҳга нома юбориб, ундан мусулмонлар оламини мунофиқлардан қутқаришни сўрайдилар.

Ўрта Осиё ҳокимлари ўзаро уруш-жанжалларни вақтинча унитиб, дурронийлар сулоласининг асосчиси Қандаҳор ҳокими ҳисобланган Аҳмад бошчилигида иттифоқ тузадилар. Бу иттифоқ натижасиз тугаган бўлса ҳам Хитойнинг жунғориюларга тегишли бўлган чегараларни Тошкент, Сайрам, Сузоқ ва Туркистонгача кенгайтириш ниятлари тўхтатилади⁸.

Эрдона 14 йил ҳукмронлик қилади (Мулла Олим 12 йил деб ҳисоблайди). Эрдонабийнинг ўлиmidан кейин Шодибийнинг ўғли Сулаймонбек Қўқон ҳокими деб эълон қилинади, лекин суиқасд натижасида у ўлдирилади. Фақат уч ойгина ҳокимлик қилишга улгуради. Сулаймонбекнинг қотиллари Абдулла Қушбеги, Ғурумсарой ҳокими Ўтов Баковул ва яна қанча қўқонлик аслзодалар Норбўтабийни бошқаришни ўзи қабул қилиб олишга кўндирадилар. Уни ҳоким деб эълон қиладилар. Норбўтабий подшолик қилганидан бошлабоқ Чуст ва Наманган ҳокимларини ўзига бўйсундиради. Норбўтабий ўз фаолиятини Хўжандни забт этиш билан якунлайди. Бунинг учун унга кўп тиришишга тўғри келади. Ўратепа ва Жиззах ҳокими Худоёрбек бу вилоятни (яъни Хўжандни – Ҳ.Б.) бир неча йил талайди. Фақат Худоёрбекнинг вафотидан кейингина Қўқонга тамомила бирлаштирилади. Норбўтабий Ирискулбийнинг жияни Минг

⁸ Валихонов Ч. Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Т., 2., 1962-йил, 316-бет.

ойимга уйланади. Кейинчалик иккита ўғил (Олим ва Умар) ҳамда бир қиз (Офтоб ойим) кўради. Шунингдек, Норбўтабийнинг биринчи хотинидан катта ўғли Мадамин , учта кичик ўғиллари – Рустам, Позил ва Ёдгор никоҳсиз хотинларидан туғилган болалар эди. Бундан ташқари унинг яна тўртта қизи бор эди.

Норбўтабий ўз акалари бўлмиш Шохрухбийни Наманганга, Ҳожибийни Хўжандга, катта ўғли Мадаминни Марғилон (Ёр Мозор) га, Иккинчи ўғли Олимни эса Тўрақўрғонга ҳоким этиб тайинлайди. Кўп ўтмай Шохрухбий ўлгач, унинг ўрнига Ҳожибий тайинланади. 1797 – йилда Мадамин каттик касал бўлиб, вафот этади. Ундан ҳеч қандай насл қолмайди. Норбўтабий ҳукмронлигининг биринчи йилига Ефремовнинг саёҳати тўғри келади. 1774-йилда қирғизлар уни асирга олиб, Бухорога сотиб юборадилар. 1782-йилда у Россияга Ҳиндистон ва Англия орқали қайтиб келади. Унинг йўлда ёзган хотираларига (Десятилетнее странствование) кўра, Норбўтабийнинг мустақил хонлиги Хитой томонидан тан олинган.

Норбўтабий Хитой билан иттифокда, Бухоро билан душманларча муносабатда бўлган. Унинг узоқ давом этган ҳукмронлик даврида Фарғона водийсида суғориладиган иншоотлар ва суғориш учун мўлжалланган ерлар кўпайтирилади. Савдо-содик, ҳунармандчилик шаҳарларининг равнақи ошади, хусусан, Қўқоннинг мавқеи мустаҳкамланади.

Қўқон тарихчилари Норбўтабий ҳукмронлик қилган даврда маҳсулотларнинг арзонлиги ва савдогарлар учун қулай шароитлар яратилганлигини ҳикоя қиладилар. Савдо-сотиқ ва ҳўжалик фаолияти билан осойишта, бамайлиҳотир шуғулланиш имкони билан таъминловчи арзончилик ва идора қилиш усулини Шарқ солномачилари мамлакатнинг тинчлик, хотиржамлигида биринчи даражали, жуда муҳим кўрсаткич деб билардилар⁹.

1801 – йилда Норбўтабий вафот этади. Ундан кейин ўғли Олимхон Қўқон ўлкасини кенгайтиришни давом эттиради. У Ангрен, Чимкент, Сайрам, Тошкент вилоятларининг ҳаммасини, Россиядаги карвон йўлларидаги муҳим манзилгоҳларни забт этади. Олимхон давлати энди бутунлай бошқалардан

⁹ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. М., 1968, 43-бет.

ажралиб кўзга ташланиб турганини, Бухорога қарши кураша олишини, шунчалик кучлилигини кўриб, хонлик унвонини қабул қилади. Унинг давлати эса Қўқон шаҳридаги пойтахти билан Қўқон хонлиги номини олади.

Олимхон даврида Қўқоннинг сиёсий аҳамияти ошади. У тоғли тожиклар: коратегинлар, шўғнонликлар, бадахшонликлар, эронликлар ва бошқалардан иборат ёлланма аскар қўшинини тузади. Бу қўшин ҳокимиятни марказлаштириш учун курашда унинг суянчиғи, таянчи бўлади. У тузган катта қўшиннинг ядроси (ўзаги) бўлиб қолади. Унинг даврида Россия билан биринчи маротаба савдо алоқалари ўрнатилади. Лекин тараққиёт хали юз бермайди, чунки улар орасида тасмий равишда дипломатик алоқалар ўрнатилмаган эди.

Олимхон ўзига хос тарихий шахс эди. У диний пойдеворни қайтадан ташкил этиш учун қатор чоралар кўради. Масалан, диний унвон ҳисобланган “эшон”ни бекор қилади. Камбағал, бечораларга ва “қаландарлар”га ер майдонлари ва чорва беради. Шу билан бирга уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилади. Айрим диндор арбобларнинг тўғри ибодат қилишини текшириш мақсадида имтиҳон қилади (синаб кўради). Ёлғончилиги фош қилинганларни жазолайди. Диндор рухонийлар Олимхоннинг бу хатти-ҳаракатидан норози бўладилар. Унинг Тошкентдалигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар, у ўлдирилди, деб миш-миш тарқатадилар.

Тахтга унинг укаси Умархон ўтқазилади. Олимхон хиёнатни билиб қолиб, қисқа йўл билан Қўқонга жўнайди. Йўлда эса пистирма қўйилган эди. Олимхон 1810-йилда “Олти Қуш” деган жойда отиб ўлдирилади. Қотил андижонлик Қамбар Мирзо эди.

Умархон ҳукмронлик қилган давр адабиёт ва санъатнинг ривожланиши, шунингдек, амалда барча ҳокимият кўпинча қўлида бўлган диндор рухонийларнинг диний пойдеворини тиклаш билан тавсифланади. Улар одат ва шарият ҳимоясида (ниқоби остида) шаънларига заррача норозилик кўрсатилса кириб ташлардилар. Масалан, 1814-йилда рухонийларнинг навбатдаги қурбони севги бўлди. Бу фожеали воқеани рус элчиси ва сайёҳи Филлип Назаров ўз кўзи билан кўрган. У бунини етти йил кейин чоп этилган “Записки о некоторых народах и землях средней части Азии” китобида бундай тасвирлайди: “Қиз

атиғи 17 ёшда эди. У ёш амалдорни севар эди. Худди бошқа ёшлардек улар ўз келажаклари: ўз оилалари бўлишини. Оилавий бахтни орзу қилишарди. Лекин шариат қонунлари қаттиқ эди. Унда фақат мулкка эмас, инсонларга ҳам, ўзгармас, дахлсиз, илоҳий хусусий мулк қонун тарзида кўрсатилган. Ота-оналари қизни унга ёқмаган тор фикрли кишига унаштирадилар. У буни билиб қолиб севганидан жудо қилмасликларини ўтиниб сўрайди. Лекин қариндошлари қатъий қарор қиладилар. Ана шунда қиз ота-онасини уйини ташлаб, севгилисиникига кетиб қолади ва у ерда сочларини олдириб, эркакча чопон кийиб, хизматкор кўринишида яшайди.”

Эшон ва муллалар шариат қонунларининг шу қадар бузилишини жазосиз қолдира олмас эдилар. Қиз соқчи назоратига олинади. Уни қилган ишини сабабини сўрашганда қиз ўз севгисининг бор бўлган ҳамма тарихини сўзлаб беради. Бу ҳикояни муҳокама қилувчилар, бутун Қўқон аҳли учун осмондаги момақалдирокдай бўлди. Диндор ҳудожўй ҳаёлпарастлар тўлқинланган равишда қаттиқ ғазаб билан уни зудлик билан ўлдиришни талаб қилдилар.

Қизнинг мисли кўрилмаган даражадаги гўзаллиги ҳақидаги хабар Умархонгача бориб етди. Ҳатто ҳукмдорнинг ўзи ҳам руҳонийларнинг ҳукмини бекор қилолмади. Қатл қилиш белгиланган кунда ҳалқ оломони юозорни тўлдириб юборди. Қизни тайёрланган чуқурлик олдидаги майдонга олиб келдилар ва ерга кўкрагигача кўмиб қўйдилар. “Жаллод бахтсиз бошига биринчи тош билан урганда¹⁰” у атиғи 17 ёшда эди. Қўқонда бунга ўхшаш воқеалар бир неча маротаба қайтарилган.

Умархон ҳам хонлик ҳудудини кенгайтириш бўйича илғари ўтган хонларнинг хатти-ҳаракатини давом эттиради. Унинг даврида Ўратепа, Туркистон ва Тошкентдан шимолдаги бошқа кичик шаҳарлар ҳам забт этилади. Умархон ҳукмронлик қилган даврда Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш учун ҳаракат қилиб кўрилади. Шу мақсадда Петербургга Қўқон элчилари юборилади. Бироқ хонликка қайтишда улардан бири касалликдан вафот этади, иккинчиси эса Петропавловскда сургун қилинган солдат томонидан ўлдирилади. Бу ноҳуш воқеани бартараф қилиш учун 1813-йилнинг

¹⁰ Назаров Ф. Ўша асар, 53-бет.

май ойида Қўқонга Ф. Назаров юборилади. Хон аҳволни ва ва элчини ўлдириш сабабларини аниқлагунча уни тутиб туради. Ф. Назаров хонликда бир йилча яшайди. 1814-йил октябрда Россияга қайтиб кетади.

1818-йилда Умархонга Қўқонда Жоме масжидини қурдургани учун амир-ул-муслимин унвони берилади. У ана ўша йили мингбошилиқ вазифасини таъсис этади. Умархон ҳақида кўп тарихчилар диндор, тақводор, мўмин, “жаннатмакон”, деб ёзсалар-да, ўз ўтмишдошлари каби қўшни давлатлар билан ҳалокатли, қирғин келтирадиган урушлар олиб боради. Унинг Ўратепада 1817-йилдаги хатти-ҳаракати ҳақида XIX аср шоираси Дилшод ўзининг “Тарихи Муҳажирон” асарида мана шундай ёзади: “Ҳамма асирлар Чорсу майдонига ҳайдалди... Одамлар бугунги кунда 13400 киши асирга олинганини бир-бирларига шивирлаб етказардилар...

Фарғона амирининг ўзи, яъни Умархон олим ва катта ўoir бўлишига қарамай, бу жафокаш ҳалқнинг олим ва шоирларидан биттасига ҳам раҳм-шафқат қилмади...амирнинг ишораси ҳамма гуноҳкорлар (айбли иш қилиб кўйганлар)ни кенг сой (жарлик) томонга Чорсудан шарққа олиб бордилар. Бу сойда эса одамларни қатл қилиш учун дорлар турар эди. Улар шамчироқ ёки беданали қафас (тўр қовоқ) ва шамчироқни илиш учун таглик (кронштейн) кўринишида эди. Эрталабки бомдод намозидан то куёш ботгунгача шом намозигача одамларни бирин кетин осдилар, ўлдирдилар, пайдо бўлиб қолган ташувчилар ўлганларни замбилга солиб, жасадларни аравага ортиб, узоқроққа олиб кетдилар”¹¹.

1822-йилнинг кузида Умархон касал бўлиб қолади ва 17 кундан кейин эрталаб вафот этади. Ту вақтида эса унинг ўғли Муҳаммад Али хон эълон қилинади. Муҳаммад Али (у 12 ёшда эди) эртасига давлат ишларини бошқаришга киришади. В. П. Наливкин уни қуйидагича тавсифлайди: “У ўжар, инжиқ, танти қилиб ўстирилган, серхархаша, баджаҳил, ахлоқан бузилган, сарой амалдорларига май, шароб ва аёллар билан хушомадгўйлик қилади, сарой амалдорлиги даврида атрофдагиларга ўрнак бола эди”¹². Унинг

¹¹ *Мухторов А.* Дилшад и её место в общественной жизни таджикского народа в XIX – начале XX веках, 296-297-бетлар.

¹² *Наливкин В. П.* Краткая история кокандского ханства, 122-бет.

хукмронлиги даврида Қўқон хонлиги худуди кенгайтирилади: Жанубий Олой тоғ этагидаги тожиклар бўйсундирилади. Қоратегин бутунлай, Дарвоз, Шуғнон, Рошан, Вохан фақат номигагина заби этилади.

1826 – 1831 – йиллар давомида Қошғарга харбий юриш уюштирилади. Натижада хитойликлар Муҳаммад Алихонга Қошғардан бож йиғиш учун рухсат беришга мажбур бўладилар. Муҳаммад Алихонга “Ғози” номи берилади. Муҳаммад Алихон хукмронлиги даврида Қўқон – Бухоро муносабатлари кескин ёмонлашади. Улар орсиди қайта-қайта бўлиб ўтган урушлар натижасида Бухоро амири Насрулло Қўқон қўшинини тор-мор қилади. Хўжандни ўз ҳокимиятига қўшиб олади. Муҳаммад Алихон эса ўзини амирнинг ноиби деб эътироф қилади. Муҳаммад Алихон ўзининг аҳволи оғирлигини хис қилиб Россия билан алоқа ўрнатиш пайига тушади. У шу мақсадда элчиларни огоҳлантириб, Россияга юборади. Хон номидан императорга ёзилган хатда, жумладан, бундай ёзилади: “Россия ва Қўқон подшолиги билан илгаридан мавжуд бўлган самимий дўстлик доимо элчилардан иборат гуруҳда намоён қилинарди. Бирмунча вақтдан буён қандайдир бутунлай номаълум сабаблар билан тўхтатилди. Негаки, бизнинг мансабдорларданми, ёки сиз ҳазрати олийларининг ҳукуматиданми, биз биз учун номаълум шу қадар кўнгилсиз аҳвол юз бердики, биз шундай бўлса-да, илгариги дўстлигимиз учун миннатдорчилигимизни кўнгилда тутиб, ишончли, бизга яхшилик истовчи, аслзодалардан келиб чиққан, насл-насаби яхши Нақиб Али Ашраф (аслзодалар табақаси йўлбошчиси) Эшон Муҳаммад Хўжа Халил Сафронюлни элчи вазифасида юбормоқдамиз. У сиз Ҳазрати олийларини ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлишини муносиб кўрдик. Сиз учун азиз бўлган соғлигингиз ҳақида маълумотбахтиёр қилсин. Сизнинг олдингизда бизнинг иззат-ҳурматимиз юқори даражадалигини изҳор қила олсин ва Олий Ҳазратлари Сизга бизнинг дўстлигимиз ва хайрихоҳлик қилишимизга ишонтирсин, деган мақсадда юборяпмиз. Бизнинг вакилимизнинг Россияда бўлиши ва мўътабар давлат билан танишиш натижаси улар орасидаги дўстлик муносабатларини тобора кўпроқ мустаҳкамлайди. Шунинг учун ўзаро

иттифоқлик кўзгусини маккор, ҳийлакор ғийбатчиларнинг фисқ-фасоди билан хиралаштира олмайди. Бу усул билан фуқароларимиз орасида тинчлик хотиржамлик, мамлакат моддий фаровонлигининг муқарра воситаси ҳисоблаган табақаларга оид савдолар тикланади. Шундай қилиб, бизнинг дўстлик иттифоқимиз ўундай тасдиқланадики, вақт ва асрлар давомида унга ҳеч қандай таъсир бўлмайди. Бундай дўстликнинг самараси элчи ва билимлар воситаси орқали доимий муносабатларнинг келажакка, яқинлашиб келаётган асрларга қолишидадир. Шундай бўлса-да, бизнинг вакилимиз сўз билан нима деса ишонаверинг, чунки у бизнинг мухтор ҳуқуқий ва иўнчли дўстимиздир.

Ҳа Сиз Импертор Олий ҳазратларининг кунларингиз ва бахт-саодатингиз давом этаверсин”¹³.

Император жавоб мактубини шундай баён қилади: “Қўқон ер мулкининг ҳокими Саид Муҳаммад Али Баҳодирхон Бизнинг Император Аъло ҳазратларидан ҳурмат ва эҳтиром билан салом. Сизнинг вакилингиз бўлмиш эшон Муҳаммад Халил Соҳибзода Бизнинг империя пойтахтига етиб келиши билан биз улуғ подшоҳга таништирдик ва Сизнинг ёрлиғингизни топширдик. Унинг ўзидан сизнинг қудратли Россия мамлакати билан доимо дўстона муносабатларда бўлиб қолишни исташингизни эшитиш биз учун ниҳоятда қувончли бўлди. Биз ўз томонимиздан сизнинг яхши тилакларингизга тўлатўқис тайёрлигимизни миннатдорчилик билан изҳор қиламиз. Сизнинг ўзаро қўшничилик алоқаларини сақлаш ва тасдиқлаш ҳақидаги ғамхўрлигингизни етарлича деб билиб, Сизнинг бундай ғамхўрлигингиз сизга ҳақиқий фойда бўлиши аниқ ишончда кўринади, муваффақиятли натижаларга олиб келади. Россияга келадиган Сизнинг фуқароларингиз буерда ҳимоя қилинадилар. Биз Росиия фуқаролари ҳам Сизнинг ўлкангизда хавф-хатарсизлик ва адолатлиликда баравар бўлишни истаймиз. Ана шундагина бизнинг ҳар икки томонга тегишли ўлкамиз ўртасидаги муносабатларнинг асоси бузилмас, мустаҳкам бўлишига сазовар бўлинади. Биз бу интилишингизни Сиз тўхтатиб қўймасиз, деб умид қиламиз. Бизнинг сизга кўнгли яқин илтифотли эканлигингизнинг далили қилиб Сизларга сизнинг вакилингиз билан бирга

¹³ ЎзР МДА, И – 715-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 8 – 9-варақлар.

айрим нарсалар – дўстлик, хайрихоҳлик белгисини юборишга амр қилдик. Бунинг учун сизларга бахт ва ҳамма яхшиликларни тилаймиз.

Санкт-Петербургда 1842-йил февралнинг 13-кунида бизнинг ҳокимлик давримизнинг 17-ёзида берилди”¹⁴.

Шунингдек, Қўқон ҳукумати яна Маккага ибодат қилиш учун юбориладиган Қўқон фуқароларига Россия орқали боришга рухсат беришни, Сибир йўлига келадиган қўқонлик ва тошкентлик савдогарларга хомийлик қилиш ва тошкентликлардан Петропавловскда савдогарлик қилаётган тошкентлик Кенжатойни медал билан ва қўқонлик иккита мулла (рухоний) сини тархонлик имтиёз ва ёрлик¹⁵ билан мукофатлашни сўраган эди. Бу масалаларни ўрганиб ва имкониятга қараб уларни қондириш ваъда қилинади. Лекин Ғарбий Сибир генерал-губернатори Госфорднинг ёзишича, “Бизнинг ҳукуматимиз меҳрибончилк қилиб эркалаган. Қўқон элчиси Эшон Мухуммад Халил орқага қайтаётганда, ўша пайтда Қўқонда исёнлар, ўзаро (ички) урушлар, низолар юз берганлиги сабабли Семипалатинскгача етиб келиб, ўз она ватанига қайтиб бора олмаганва узоқ вақт Семипалатинскда яшаган. Исон ва нотинчликлар Қўқонда тўхтамади ва хоннинг ҳукумати мустаҳкамланмади. Шундай қилиб, Эшон Халилнинг элчилиги натижасиз қолди”¹⁶.

Ҳақиқатда эса Қўқон-Бухоро муносабатларининг ёмонлашуви ва тез-тез такрорланиб турадиган ҳарбий тўқнашувлар шунга олиб келидики, Мухамма Алихон 1841-йил ноябрда укаси Султон Махмуд фойдасига тахтдан воз кечди. Шундай бўлса ҳам 1842-йил апрелда Бухоро амири Насрулло Қўқонни забт этади. Султон Махмудхонни, Мухаммад Али ва онасини – Машхур Нодирани қатл қилади.

Бу воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси Василий Пшеничников 40 йил асирда бўлиб, амир Насруллонинг барча ҳарбий юришларида иштирок этган. У кейинчалик бундай деб ёзган: “Қўқонни олишга амирда 40000 кишига яқин қўшин ва 12 та замбарак қурол бор бўлган. Бу юриш баҳорда юз берган. Бу

¹⁴ ЎзР МДА, И – 715-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 113 – 114-варақлар.

¹⁵ ЎзР МДА, И – 715-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 113 – 114-варақлар.

¹⁶ ЎзР МДА, И – 715-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 273-варақ.

¹⁷ ЎзР МДА, И – 715-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 113 - 114-варақ.

вақтда Хўжанддан 4 та замбаракни олиб қўйдилар, шаҳарни талон-тарож қилидилар, икки кун туриб, Қўқонга кетдилар. Бу вақтда Қўқон хон Муҳаммад Алихон эди (Пшеничников бу вақтда Султон Махмуднинг хонлигини билмаган). Қўқон олингандан кейин шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар Бухоронинг отлиқ қўшинига, хон саройи сарбозларга талон-тарож қилиш учун топширилди. Улар шу заҳотиёқ турли кийим боши бор бўлган 16 та сандикни ва 30 та аёлни қўлга туширдилар. Хазинани хон ўзи олди. Хон Марғилонга қочади. Лекин у ерда уни тутиб олишиб, аравада Қўқонга олиб келишади ва сўйиб юборишади. Хоннинг ўғилларидан бирини амир Жиззахга қайтишла сўйиб юборади. Иккитасини эса онаси билан Бухорога олиб кетди. Амир Қўқонда 14 кун бўлди. Қўқон Бухоро билан тенг катталиқда бўлиб, кўчалари кенг, суви булоқдай чиқади, бинолари худди Бухородагидай, яъни кўп қисми лой ва кесакларданиборат бўлган. Кейинги баҳорда амир Қўқонга 300 та уста юборди. Улар шу йилнинг ўзидаёқ қўқонликлар томонидан шаҳар деворига кўмилди. Бухоронинг бошлиғи билан бирга унга содиқ 1000 га яқин одам ўлдирилди”.

1842-йилнинг июнида Шерали Қўқон хони деб эълон қилинади. У 3 – 4 минг қўшини билан Қўқонга келади. Бухоронинг гумаштаси Иброҳим Додҳох уларнинг яқинлашаётганини билиб қолиб, Хўжандга қочиб кетади. Қўқонликлар Насруллонинг қайтадан юриш қилишини билиб, шаҳарни мустаҳкамлайдилар ва унинг деворини қуришга киришадилар. Бухоро амири бундан воқиф бўлиб, 29-июлда кўп сонли қўшини билан йўл олади. Насрулло Қўқонга келиб, Мўй Муборак қишлоғида тўхтади. Бу ерда 2 ойдан ошиқроқ туриб қолади. У Қўқонни тўрт томондан ўраб олиниб, халқ ҳаддан ташқари оч қўйилса, таслим бўлишга мажбур бўлади деб ўйлайди¹⁷.

Шу аснода атоқли ҳарбий саркарда Мусулмонқул амирдан Қўқонга билдирмай киришга руҳсат сўрайди. У аҳолини тинчитишга ваъда беради. Мусулмонқул бунга руҳсат олгач, шаҳарга билдирмай киради ва халқни бирлашишга ва ўзини мудофаа қилишга чақиради. Амрнинг кучлари заиф ва у тезда қуршовни олиб ташлайди ҳамда Бухорога қайтади деб тушунтиради.

Қуролланган қўқонликлар ўз хонлари атрофига бирлашиб, Қўқонни қахрамонларча мудофаа қилишади, бухороликларнинг барча қаттиқ хужумларини даф қилишади.

Бу вақтда эса хиваликлар 26-сентябрлар чамасида (рамазоннинг 2-кунида) Бухоро амирлиги чегарасига бостирию кирадилар. “Амир бу ҳақда хабар топиб, Қўқонни ташлаб, 9-октябр (рамазоннинг 15-куни) да Бухорога келади”. Шундай қилиб қўқонликлар ғалаба қозонадилар. Шералининг ҳукмронлиги ҳам аҳолидан оғир солиқлар йиғиш натижасида Қўқон хонлигининг қатор туманларида қўзғалонлар бўлиб турган вақтга тўғри келади. 1845-йилда Ўшда яна бир қўзғалон бошланади. Уни бостириш учун Мусулмонқул боради. Унинг йўқлигидан фойдаланган Олимхоннинг ўғли – Мурод Шералин ўлдириб, ўзини хон деб эълон қилади. Шунингдек ўзини Бухоро амирининг ноиби ҳам деб ҳисоблашни эътироф этади. Бухоро хонини яхши кўрмаган қўқонликлар Муродхонни қўллаб-қуватламайдилар. Мусулмонқул бўлиб ўтган бу ходисадан хабардор бўлиб, қизини Шералихоннинг ўғли Худоёрхонга турмушга беради. У билан бирга Қўқонга келиб, бир қанча кун хонлик қилишга муяссар бўлган Муродхонни ўлдиради.

Мусулмонқул Саримсоқнинг хон бўлиш ниятини билгач, уни хон деб эълон қилишга ваъда бериб, Тошкентдан Қўқонга таклиф этади. Лекин уни ўлдириш учун яширин равишда буйруқ беради, буйруқ бажарилади. Шундан кейин балоғатга етмаган Худоёр хон деб эълон қилинади. Мусулмонқул эса муваққат ҳоким бўлади. Ана шу даврдан бошлаб Қўқонда фақат қипчоқлар тўдасининг ҳукмронлиги бошланади. Мусулмонқул хоннинг ёшлигидан фойдаланиб хонликни деярли мустақил равишда ўзи бошқаради. Петровскийнинг сўзларига қараганда унинг бошқариши халқ учун ёмон бўлмаган, шунинг учунки, қаттиққўл, баджаҳл, шафқатсиз Мусулмонқул ўзича хонликнинг адолатли, одил ҳукмдори ва яхши хўжайини бўлган.¹⁸

“Саид Муҳаммад худоёрхон Қўқондий”¹⁹ мақоласининг муаллифи қайд қилганидек, Мусулмонқул ҳар доим хон номидан ёки хон қариндошларининг бирортаси номидан иш кўради. Бу вақтинчалик ҳокимлик шу сўзнинг тўлиқ

¹⁸ Петровский Н. Ф. Очерки Коканского ханства. Туркестанский сборник, т. 75, 9-варак.

¹⁹ Туркистансий сборник, Т., 89, 332 – 335 – вараклар.

маъносида ифодаларди. Унинг Худоёрхон даврида эгаллаган мавқеи Меньшиковнинг Пётр 2 давридаги мавқеини эслатарди. У деярли ёш хонни ҳеч қачон чикармас яққа-ёлғизликда сақлар эди, пул бермасди, ҳеч қандай буйруқ, фармойишлар бериш учун имкон яратмас эди.

Ўлдириш, босқинчилик ҳукмрон бўлган бу давр Мусулмонқул бошчилик қилган қипчоқларга алоқадор бўлиб, бошқа халқлар ўртасида уларга қарши бўлишни уйғотмасдан қолмас эди. Бу шунга олиб келдики, натижада 1853-йилда қипчоқларни оммавий равишда шафқатсизларча қириш бошланиб, улардан 20000 дан ортиғи Мусулмонқул билан бирга ўлдирилди.

Шу даврдан бошлаб Худоёрхоннинг мустақил ҳукмронлиги (1853 – 1858 йиллар) бошланади. Бу ҳукмронлик шундай хусусиятлари билан фарқ қилардики, хонликни бошқариш натижасида унинг охириги хонлигидай ҳеч қандай ғамхўрлик, ёрдам кўрсатилмай, унинг талаб эҳтиёжларига бутунлай эътибор берилмас, жабр – зулм қилинади.

Шу орада Худоёрхон ўз ноибидан ҳеч қандай хабар олмагач, Мирзо Аҳмадни хавф – хатарда, деб ўйлаб Тошкентга ўзининг катта акаси Маллабекни юборади. Унга шимолий вилоятлардаги барча қўшинлар устидан ҳукмронлик қилишни топширади. Маллабек бундан фойдаланишга қарор қилиб, қўзғолончиларнинг гуноғидан ўтиш, уларни авф этишни маълум қилади. Ўлпон (солиқ)ларни олиб ташлайди ва Тошкент ҳамда хонликнинг бутун шимолий қисмида ҳамманинг яхши кўришига сазовар бўлади. У кўп ўтмай, хонликни бошқаришда ўз ҳуқуқларини очикдан-очик билдиради, қўшинларни йиғиб, Сомончида ўз укасининг қўшинини енгиб, Қўқонни эгаллайди.

Қўқон хонлигида собиқ мингбоши Мусулмонқулнинг ўғли, қипчоқларнинг бошлиғи Олумқул пайдо бўлади. Шу даврдан бошлаб мамлакатда қипчоқларнинг роли яна кучая бошлайди. Худойрхон даврида қипчоқлардан тортиб олинган барча ерлар аввалги эгаларига қайтариб берилади. Маллахон ҳокимлик қилган даврда Қоратегин вилояти Қўқонга тобе бўлади ва Хитой билан дипломатик (устомонлик билан қилинган) муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилинади. Лекин муваффақиятга

эришилмайди. Бу вақтда Чор Россияси Қўқон хонлигига қарши ҳарбий тайзиқни янада кучайтириб, Тўқмоқ, Пишпак ва бошқа катор қалъаларни теварак – атрофи билан забт этади.

Маллахон қўлдан кетган қалъаларни қайтариб олиш учун бир неча марта ҳаракат қилади. Лекин бу ҳаракатлар беҳуда кетади. Бу ҳаракатлар унга қарши норозилик юзага келтиради. Шу билан бирга, оғирлик қиладиган ўлпонлар ва мажбурийлик, шунингдек, муҳолифатга қарши жазо чоралари фитна уюштиришни тезлаштириб юборади. Натижада 1862 – йилнинг март ойида Маллахон ўлдирилади. Унинг ўрнига ўн етти ёшли Шох Муродхон деб эълон қилинади. Янги хон бувасининг ўлдирилишига яқин муносабатда бўлиб, хоинлик қилганларни очиқ равишда хоинона ўлдиради. Тошкент хони Қаноат ўз ҳаётидан хавотирланиб, Тошкентни мустаҳкамлайди. Хонлик тахтини қайтариб беришни ваъда қилиб, Худойхонни таклиф қилади. Худойхон Тошкентга март ойида келади. Шох Мурод буни билиб қолиб, 14 минг кишилик қўшини билан Тошкентни қамал қилади. Лекин Шох Муродни Худойхон тарафдорлари ўғирлаб кетади. Худойхон ана шу пайтда Бухоро амири Музаффар Қўқонга юради. Натижада Тошкентни қамал қилиш бекор қилинади. Қўқонликлар кучларини сақлаш мақсадида Олатоғ тоғига чекинадилар. Шундай қилиб Худойхон Қўқон тахтига қайта тикланади.

Бу вақтда Қўқонда Қўқон хонларининг уч авлоди яшар эди: Содикбек, Ҳожибек ва Шохруҳ. Уларнинг ҳаммаси ёшлар бўлиб, деярли 20 ёшда эдилар. Улар кутилмаганда хон тахти учун ўз ҳуқуқларини эълон қилишадилар. Натижада кучлар парчаланиб, бўлиниб кетади: баъзилар Олимқулга содик қоладилар, бошқалар эса ёш давогарлар томонига ўтадилар. Худойхон бундан фойдаланиб, душманни бир қанча жангларда тор-мор этади. Олимқул урушнинг муваффақият қозонишида уларнинг кирдикорлари зарар етказишини кўргач, қандай бўлса ҳам улардан қутулишга қарор қилади. У ёш талабгорларни ўз олдига чақириб, уларнинг ҳар бирига хонлик тахтини ваъда беради, йигитчалар бунга ишониб ўшга келганларида, Олимқул уларнинг ҳаммасини сўйи ташлашни буюради. Уччала бахтсиз йигитчаларни ўш

кабристонига кўмадилар. Уларнинг қабри ханузгача Таҳти Сулаймоннинг шимолий ёнбағрида жойлашган.

Бундай қонли ходисадан кейин 1863 – йил 9 – июлда Олимқул Маллахоннинг ўғли Султон Муродни Қўқон хони деб эълон қилади. Худоёрхонга қарши ҳал қилувчи жанглар олиб боради. Бухоро амири Музаффар тез орада ўз подшоҳлигига қайтиб келишга мажбур бўлади, чунки Шахрисабз шаҳрида кўзғолон кўтарилган эди. Қипчоқлар буни билиб қолиб, қирғизларнинг айрим уруғлари билан бирга қўшин тўплайдилар. Бир пайтнинг ўзида Қўқон ва Тошкентни қамал қиладилар.

1863 – йил 4 – сентябрда Оренбург корпуси генерал – адъютанти Безак ҳарбий вазирига “амир қипчоқлар билан мурасага келди ва Худоёрхонни чақириб юборишга шартлашиб, унинг ўрнига марҳум Маллабекнинг ўғли Султон Мурод (13 ёки 14 ёшли бола) ни балоғатга етгунча Қипчоқ бийи мулла Олимқулга ҳамма шаҳар ва қалъаларга ҳоким тайинлаш ҳуқуқи билан юқорида зикр этилган Қўқон хонлигини бошқаришни топшириди” деб хабар беради. Шундай қилиб Мулла Олимқул муваққат хон (регент) бўлиб олгач, “хонликда қипчоқларнинг ҳукмронлигини нима қилиб бўлса ҳам, ишончли равишда мустаҳкамлашни ўзига асосий вазифа қилиб олади ва бу мақсадга эришишда Худоёрхонга қарши кўзғолон пайтида қипчоқларга кўпроқ ёрдам берган ўша қирғиз уруғларини Қўқон атрофида тўплашни ўйлайди”.

Қўқон ҳукумати ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида ишни аввало ҳарбий ва молиявий воситаларни тартибга солишда меҳнаткашлар гарданидаги солиқларни енгиллаштиришдан бошлайди. Шу мақсадда Қўқонда қўшинлар йиғилиб муайян шаклга келтирила бошланади. Замбараклар қуйиб, тайёрланади. Шаҳар мустаҳкамланади. Обрў эътиборли ва янги ҳукуматга ишончсиз одамлар Тошкент ва бошқа узоқ шаҳарларга кўчирилиб юборилади. Янги хонни кам ёқлаганшаҳар ҳалқи томонидантўсатдан бўладиган ҳужумни олдиндан бартараф қилиш мақсадида Олимқул Қўқон марказида жойлашаган хоннинг эски саройини йўқ қилади. Унинг ўрнига шаҳар чеккасига бошқасини қуриб мустаҳкамлай бошлайди.

2.2. Қўқон хонлиги шоир ва олимларининг асарлари.

Бу даврда Россия – Қўқон муносабатлари ёмонлашади. Россия ўзининг босқинчилик ғояларини кучайтиради. Натижада 1864 – йилда рус қўшинлари Чимкентни, 1865 – йилда Тошкентни босиб олади. Шу маҳалда Олимқул ўлдирилади. Бу пайтда қипчоқ ва қирғизлар Худойқул бекни расмий тантанавор равишда хон деб эълон қиладилар. Кейинчалик уни Белбоғчи хон деб атайдилар. У атиги 14 кунгина хонлик қилади. Сўнгра барча қимматбаҳо нарсаларини олиб, Қашғарга қочиб кетади. Худоевхон тезда ҳеч қандай қаршиликсиз Қўқонни эгаллайди.

Худоевхоннинг хонлики бошқариш усули олдинги хонликларга қараганда янада шафқатсиз бошқарди. “У ўз халқини ўн йил давомида ҳар хил турдаги босқинчилик, ўғрилилик билан талади, ўлдирди”. Масалан, 1870 – йили Қўқон чегарасида Маллахоннинг ўғли Саидхон пайдо бўлди. У шу вақтгача Бухорода яшаган ва Худоевхонга душманлик руҳидаги гуруҳга иаклиф қилинган эди. Хон буни билиб қолиб, уни ушлаб олиш ва ўлдиришни буюради. Яққатут қишлоғида бу буйруқ бажарилади. Бу воқеа хон билан амирнинг муносабатини мураккаблаштири мумкин эди. Бухоро амири бу можаронинг жавобгарлигидан қутилишга ҳаракат қилиб, Саидхон унинг ижозатисиз кетганини билдиради. Саидхонни Қўқонга киритишни сўраб, ўзига юборилган муҳрли хатни кўрсатади. Хоннинг қўлида шахсий муҳр билан тасдиқланган фитначилар рўйхати бор бўлиб, улардан оддий (ҳар доимги) усул яширинча ўлдиришни режалаштириш билан қутулмоқчи бўлади. Хон томонидан 1866 – 1871 – йилларда 3000 та киши яширинча ўлдирилганлиги маълум бўлади.

Аҳоли хусусан Худоевхон ҳукмронлик қилган даврда аёвсиз равишда оғир солиқларга дучор қилинади. Буни ўз вақтида М. А. Терентьев қуйидаги сўзлар билан ифодалаган эди: “Яна янги солиқлар ўйлаб топилди: экилган барча мевасиз дарахтларга, кўмирга, тоғдаги ёндириб юборилган сон-саноксиз бурганларга, ёқилғи учун йиғиб олинган турли туман шох шаббаларга, пичанларга, марказга ташиб келтирилган, бозордан сотиб олинган ва сотилган

хар бир нарсадан ҳам бир канча чек (2 тийин) олинди. Буларнинг ҳаммаси металл ва юк ташиш учун хизмат қиладиган ҳайвонларга солинган илгариги солиқлар очкўз, хасис хоннинг қанчалик битмас-туганмас бойиш манбайи бўлган бўлса, фуқороларнинг бор-йўғини шилиб, талаб, йиғиштириб олиши улар норозилигининг шунчалик битмас туганмас манбаи бўлди”²⁰.

1873 – йилда Худоёрхон тоғларда ўсадиган ёввойи мевали дарахтларни ўраб олиб, бож солади ва бу божларни йиғиб олиш учун Ўшга ишончли одамларни юборади. Халқ бу солиқларни тўлашдан бош тортади. Солиқ йиғувчиларни уруб-калтаклайдилар. Худоёрхон буни билиб қолиб уларни куч билан енгилар учун сарбозларни юборади. Улар орасида “қонли тўқнашувлар” бўлиб ўтади. Лекин шундай бўлса ҳам, кўзғалончиларни тор – мор қилишга муваффақ бўлинмайди. Кўзғалончилар узоқ тоғларга қочиб кетиб қоладилар. Бу пайтда кўзғалонни куч билан бостиришда раҳбарлик қилган Абдурахмон Офтобачи улар билан музокара олиб боради. Бунинг натижасида кўзғалончилар Худоёрхонга 40 та одамни вакил қилиб юборишга қарор қиладилар. Абдурахмон Офтобачи кўзғалоннинг жуда жиддийлигини тушуниб, Худоёрхонга илова хати – мактуб юбориб, унда қандай бўлса ҳам, вакиллар аъзоларини тирик қолдириш ва имконияти борича уларнинг талабларини қондиришни сўрайди. Лекин шунга қарамай Худоёрхон вакиллар аъзоларини ўлимга буюради. Бунинг натижасида кўзғалон янги куч билан бирдан кучайиб кетади.²¹

Қарши бўлганлар халқ норозилигидан фойдаланмоқчи бўлиб ҳокимиятни ўз қолига олишга қарор қиладилар. Шу мақсадда хоннинг Самарқандда яшовчи узоқ қариндоши Пўлатбекни қатнаштиришга қарор қилинади. Лекин у бу таклифдан бош тортади. Шўа кезде Наманганга Пўлатбек номи билан сохта шахс – Ҳасаннинг ўғли Мулла Исҳоқни таклиф қиладилар. Кейинги сиёсий воқеалар “Пўлатхон кўзғалони” тарзида тарихга кирган кўзғалон билан чамбарчас қўшилиб кетади. XIX асрда Қўқон хонлиги - Қўқон шахрида савлат

²⁰ Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии, т. 11, СПб, 1906, 327 – бет.

²¹ Россель Ю. Среднеазиатская культура и наша политика на Востоке. Туркестанский сборник, т. 22, 29 – бет.

билан ўтирган хоннинг ўз бошчилик қилган типик шарқий энг йирик феодал давлат ҳисобланарди.

Хулоса

Хондан кейин ижтимоий аҳволгақўра иерархия босқичларида қуйидаги мансаблар мавжуд бўлади: 1. Шайхуслом, қозикалон, хўжакалон, нақиб ва муллалар; 2. Мингбоши, оталиқ, қушбеги, меҳтар; 3. Парвоначи; 4. Додҳох; 5. Бий; 6. Эшик оғаси, иноқ, ва шиғовул; 7. Тўқсоба; 8. Мирохўр; 9. Қоравулбеги. Хонликда қуйидаги мансаблар шарафли, хурматли ҳисобланган: руҳонийлар мансаби, ҳарбийлар мансаби, подшо саройидаги унвон ва мансаблар ҳамда маъмурий мансаб ва лавозимлар. Хўжакалон, нақиб, мирасад, садр, судур, урақ мансаблари фақат Муҳаммад пайғамбар ва тўртта (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али) ҳалифалар авлодларига мансуб шахсларга тақдим қилинган.

Фойдаланилган манба ва адабётлар рўйхати

1. Ибрат. Фарғона тарихи. “Мерос” туркими. Тошкент, 1991.
2. Бартольд В. В. Асарлар 3-жилд, М., 1965
3. Мулла Олим. “Тарихи Туркистон”,
3. Наливкин В. П. Краткая история кокандского ханства. Казан. 1886-йил.
4. Мулла Олим. “Тарихи Туркистон”,
5. Валихонов Ч. Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Т., 2., 1962-йил,
6. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. М., 1968.
7. Мухторов А. Дилшад и её место в общественной жизни таджикского народа в XIX – начале XX веках,
8. Наливкин В. П. Краткая история кокандского ханства,
9. Петровский Н. Ф. Очерки Коканского ханства. Туркестанский сборник, т. 75,
10. Туркистансий сборник, Т., 1889.
11. Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии, т. 11, СПб, 1906
12. Россель Ю. Среднеазиатская культура и наша политика на Востоке. Туркестанский сборник, т. 22,
13. ЎзР МДА, И – 715-фонд, 1-рўйхат, 4-иш.